



Таътил

С. Абдурашимова оғлан сурат.



Андижон вилояти

Ўқув-семинар

## Қонунчиликдаги янгиликлар тушунтирилди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида янги таъхирдаги Конституция ва Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди. Тизимдаги ташкилот ва муассасалар кадрлар бўлими бошлиқлари ва касба уюшма кўмитаси раислари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар янги Конституцияда муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белги-

ланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқи белгиланганини айтиб ўтишди. Янги Меҳнат кодексига меҳнат таътиллари муддати узайтирилгани, жамоа ва меҳнат шартномаларини қўллаш тартиби ҳақида батафсил тушунчалар беришди. Ишловчиларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, низоларни кўриб чиқиш, умуман, меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳақида янгиликларга тўхталишди. Қизгин баҳс-мунозаралар остида ўтган семинар сўнггида кундалик иш фаолиятида учраётган муаммоларга оид саволларга жавоб берилди.

Анваржон АРЗИЕВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Андижон вилояти кенгаши раиси

## Табассумдан ёришсин олам!

Навоий иссиқлик электр станцияси бирлашган касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан корхона ишчи-ҳодимларининг фарзандлари Бўстонлик туманидаги «Ғазалкент» болалар соғломлаштириш сийҳатгоҳида дам олишни бошлади.

Бир гуруҳ навоийлик болалар ёзги таътилни Тошкент вилоятининг гўзал масканларида ўтказишмоқда

Куни кеча «Тошкент» темирўл вокзалида кутиб олинган 50 нафар болажон автобусда сийҳатгоҳга жўнаб кетишди. Оромгоҳда таътил мароқли бошланди. Болаларнинг қувончлари чексиз. Олдинда завқ-шавққа тўла тадбирлар кутмоқда.

Жумладан, Конституциянинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилган.

Тадбирда, шунингдек, янги Меҳнат кодексига ўзгаришлар ҳақида ҳам кенг маълумот берилди. Ходимлар учун манфаатли жиҳатлар сифатида таътил муддатининг узайти-

### Тарғибот

рилгани, иш ҳақи, таътил пуллари, ишдан бўшатиш нафақалари, ишдан бўшатишда ҳисоб-китоб ва бошқаларни кечиктиргани учун иш берувчи энди ҳодим олдида тўғридан-тўғри жавобгар бўлиши каби масалалар муфассал шарҳланди. Давра суҳбати асноси қонунчиликдаги шу каби янгиликлар ҳақида батафсил ахборот берилди ва иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Музаффар ОТАБОВЕВ,  
Эркин БОЙЖОНОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши меҳнат инспекторлари

Гулрухбегим  
ОДАШБОВА  
«ISHONCH»



Касба уюшма аралашгач...

## МУАММО АДОЛАТЛИ ХАЛ ҚИЛИНДИ

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қўқдала тумани бўлими ходимлари Ўткир Баёзов ҳамда Ҳамза Йўлдошев ойлик иш ҳақлари тўланмай келаётганидан норози бўлиб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашига арз қилишди.

Мурожаат кенгашнинг меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ўрганилиб, меҳнат қонунчилиги бузилгани аниқланди. Шунга кўра, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Қўқдала тумани бўлими раҳбарига кўрсатма киритилди ва хизматчиларга 12 млн. 616 минг 650 сўм ойлик иш ҳақи тўлаб берилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашига,

шунингдек, Республика тез тиббий ёрдам маркази Қашқадарё ҳудудий филиали собиқ раҳбари Маҳмуд Ражабов томонидан ҳам худди шу мазмунда ариза тушди. Аниқланишича, унда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган. Касба уюшма аралашуви билан М.Ражабовга 18 млн. 180 минг 837 сўмлик иш ҳақи тўлаб берилди.

Дилбар ТЎХТАЕВА,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси

Келгуси сонларда ўқинг...



Нафс бандаси



Муҳаббатим ёлғиз ўзингсан!



ҚУРИЁТГАН МАЛИНАЗОРЛАР



Сирдарё вилояти

«Аёллар дафтари»ни varaqlaganda...

# МЕХР МЕХВАРИ

## БОЁВУТ ТУМАНИДА ҲАЁТБАХШ ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Бугунги кунда Боёвут туманида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг 2493 нафарига барча турдаги ёрдамлар кўрсатилган. 1741 нафар ишсиз аёлдан 781 нафари иш билан таъминланган. Тадбиркорлик қилиш истагидаги 282 нафар эҳтиёжманд аёлдан 108 нафарига кредит берилган. Боқувчиси йўқ 522 хотин-қиздан 425 нафарининг ҳар бири 1 миллион 200 минг сўмдан моддий ёрдам олган. Боқувчисини йўқотган, уй-жойи таъмирга муҳтож 29 нафар аёлнинг уйлари тўлиқ таъмирланган. Қарамоғида ногиронлиги бор шахслар бўлган 456 нафар хотин-қизнинг 305 нафарига 1 миллион 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам тарқатилган. «Аёллар дафтари» жамғармасида 1 миллиард 118 миллион сўм маблағ шакллантирилиб, эвазига аёлларга 973,3 миллион сўмлик ёрдамлар кўрсатилган. Қўйида «Аёллар дафтари»нинг ҳаётбахш самаралари ҳусусида ҳикоя қилинади.

**Назира БУРХОНОВА,**  
«Ўзбекистон» маҳалласи хотин-қизлар фаоли:

— Маҳалламиздаги 1127 нафар аёлнинг шароитини ўрганиб, 87 нафар опа-сингилларимизни «Аёллар дафтари»га рўйхатга олганмиз. Эндиликда субсидия, имтиёзли кредитлар олиб ишлаётган, рўзгорларини гул-латаётган аёлларимизга ҳамма ҳавас қилипти. 41 нафар аёл тадбиркорликнинг ўзлари қиз-қизқан йўналишлари бўйича ўқитилди. 12 нафар опа-сингилимиз субсидия олган ҳолда тикувчилик цехи очиб, кўрпа-тўшаклар тиқишти. Ўзро аҳил-иноқ бу қўшнилар ҳам-жиҳатликда яхшигина даромад олиш мумкинлигини бошқаларга ҳам ўқитишмоқда.

**Дилором УСМОНҚУЛОВА**  
«Ўзбекистон» маҳалласи:

— Турмуш ўртоғим 12 йил мамлакатдан ташқарида ишлади. Уй-жой қилдик, келин олдик. Яна ишлашга отланганда, менинг ҳам унга ҳамроҳлик қилгим келди-ю, бирдан иккиланиб қолдим. Кекса қайнонам бетоб, келиним ёш болали, қандай бўларкин, деб ўйлаб турганимда уйимизга маҳалламизнинг фаол аёллари келиб қолишди. Улар четга чиқмай ҳам, уйда ўтириб ишлаб, кам бўлмаслик мумкинлигини тушунтиришди. «Аёллар дафтари»га киритилдим. Турмуш ўртоғимнинг касби новвой бўлгани учун бу иш менинг ҳам қўлимдан келарди-да, ахир. Ипотека кредити олиб, новвойхона очдик. Энди уйда ўтириб даромад толяпимиз. Оиламиз жамулжам. Ишларимиз яхши. Келиним беминнат ёрдамчи. Боз устига, қўни-қўшининг қиз-келиндари ҳам қарашди, новвойликни ўрганиб олишяпти. Тўй, маросимларга буюртмалар кўп. Шунинг учун яна фаолия-

тимизни кенгайтирмоқчимиз. «Аёллар дафтари» дегани ғамхўрлик, эътибор ва ёрдамга чўзилган оқибатли қўллар, дегани экан.

**Замира МУҚУМОВА**  
«Юқори Сармич» маҳалласи:

— «Аёллар дафтари» ҳамма қийинчиликларимга чек қўйди. Ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Бошқа аёлга айландим. Кунбай ишларда ишлардим. Турмуш ўртоғимнинг топгани рўзгорнинг бирига етса, бирига етмасди. Офтобнинг тифида далаларда кетмон чопдим, қаҳратонда тўғри келган ишни қилдим. 4 нафар ўғлимиз бор. Уларнинг келажаги учун ҳам ҳаракат қилишим керак, дея тиним билмасдик. Ҳамма болаларим иқтидорли. 13 ёшли ўғлим Азизбек эшак эшиш бўйича спорт усталигига номзод. Бу ёғига нима қилишни ўйлаб турганимда ноёб тизим қулайлик берди. 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, уйимда «Даврон бобо» болалар боғчасини очдим. Бундан икки йил аввал 25 нафар бола қатнаётган бўлса, ҳозир уларнинг сони 50 нафарга етди. Ўзимиздан ташқари яна тўрт киши иш билан таъминланди. Энг муҳими, менда яна янги ишларга рағбат пайдо бўлди. «Аёллар дафтари»дан чиқдим, яхшигина тадбиркорга айландим. Боғчамизни қайта реконструкция қилиш учун яна кредит олмоқчиман. Болалар учун ўйин-

гоҳлар, бассейн қурмоқчимиз. Турмуш ўртоғим Аброр Тожибоев суянчиғим. «Дамас» машинасида болажонларни олиб келиб, манзилларига олиб бориб қўйишдан завқланади. Ҳамқишлоқларимизнинг хурсандчилигини айтмайсизми!

**Назокат МАЖИДОВА**  
«Пахтакор» маҳалласи:

— Уч нафар ёш болам билан нима иш қила олардим, деб кўп ўйлаганман. Турмуш ўртоғим кунбай ишлар билан банд эди. «Аёллар дафтари»да турганим учун имтиёзли кредит беришди. Аввал 4 сотих ерда иссиқхона қуриб, бодринг, помидор эқдик. Қарасак, бир йилда уч марта ҳосил олиш мумкин экан. Кейин иссиқхонамизни 15 сотихга кенгайтирдик. Энди уйдаман, болаларим ёнимда, яхшигина даромад оляпимиз. Рўзгоримизга рўшнолик кирди.

**Сайёра ҚўЧҚОРОВА,**  
Халқ банкнинг Боёвут тумани бўлими аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича бошқарувчиси ўринбосари:

— Туманимиздаги 39 та маҳалладан 4189 нафар опа-сингилмиз «Аёллар дафтари»га киритилган. 282 нафар аёл тадбиркорлик йўналиши бўйича рўйхатга олинган. Ҳозир 149 нафар аёлга 1 миллиард 538 миллион сўм, шундан 60 нафар аёлга Халқ банкнинг Боёвут тумани бўлими томонидан 596 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган. Рўйхатга олинган ҳар бир аёл ўқув курсларида ўқитилиб, сертификатларга эга бўлган. Улар ўзлари ўқиган йўналишлар бўйича тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда.

Мухтасар айтганда, «Аёллар дафтари» тизими йўлга қўйилгани сабабли опа-сингилларимиздан ҳеч бири ғамхўрликдан, ўзларига кўрсатилаётган меҳр-эътибордан четда эмас.

**Гўзалой ХОЛБОЕВА**  
ёзиб олди.



Андижон вилояти

Андижон шаҳрида ишчи гуруҳ ташкил этилиб, маҳалла раислари, фаоллари ҳамда ҳоким ёрдамчилари ёрдамида хатлов ўтказилди. Улар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ўзлариники сингари қабул қилишди.

## Оддий уй бекаси эди, ишбилармон аёлга айланди

Албатта, муаммоларни чуқур ўрганмагунча, хотин-қизларнинг ташвиш ва ўйлари ҳақиқатда бир нима демай қийин. Қўлида гулдай бўла туриб, моддий етишмовчилик туфайли ишларини юрита олмаётган аёллар ҳам бор. Ана шундай хотин-қизлардан 265 нафарига Аҳоли тадбиркорлигига кўмаклашши жамғармаси ҳисобидан субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди.

«Маориф» маҳалласида яшовчи Муқаддамхон Юсупова турмуш ўртоғи билан тадбиркорлик қилишга астойдил бел боғлаганди. Лекин кўп-кўп банкларга қилган мурожаати натижасиз қолгани уларнинг ҳафсаласини пир қилганди. «Аёллар дафтари»га киритилиб, 33 миллион сўм кредит берилиши уларнинг ишига қанот бағишлади. Айни вақтда Муқаддамхоннинг тикувчилик цехида 30 нафар маҳалладоши иш билан таъминланган.

Яна 25 нафар уй бекасига турли пишириқ ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашда асқатадиган электр плиталар олиб берилди. Энди хонадонда болалар тарбиясидан чалғимасдан оиласига кўт-барақа киритаётган бекажонларнинг турмушига анча-мунча одамнинг ҳаваси келади.

Этиборли жиҳати шуки, «Аёллар дафтари»га киритилган тадбиркорлик қилиш истагидаги 692 нафар хотин-қизнинг 261 нафарига шу йилнинг ўзида 1 миллиард 320 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Кечагина уй юмушларидан бошқа иш қилолмаётган бекажонлар оиласи фаровонлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

Хатлов жараёнида ишлаш истаги бор, лекин касб-хунари йўқ аёллардан 427 нафари турли касб-хунарларга ўқитилди. Шунингдек, уй-жойи таъмирга муҳтож, боқувчиси бўлмаган аёлларнинг яшаш шароитлари ўрганилиб, ажратилган 144 миллион сўмга 16 нафар аёлнинг хонадонларини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят бўйича ушбу кўрсаткич 191 тани ташкил этади.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**  
«ISHONCH»



**Сўранг, жавоб берамиз**

**САВОЛ:** Яқинда турмушга чиқдим. Тўйдан кейинги ҳаётда қандай шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишим мумкин?

Мафтуна ҚўШМУРДОВА  
Қўшрабат тумани

## НИКОҲ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

**ЖАВОБ:** Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ёшлар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланишда ва улар тенг мажбуриятларга эга. Никоҳ тузиш вақтида ҳар иккаласи ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳга бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади. Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартариши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди.

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қилишади. Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ҳамда яшаш жойини танлашда эркилдир.

Оила кодексига эр ва хотин муносабатларига алоқадор бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хусусан, уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари, яъни эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулкӣ бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқлилик, эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий (никоҳ шартномаси асосидаги) тартиби, ота-оналик ва бола тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр ва хотин бир-бирларига нисбатан моддий таъминотни талаб қилиш ва амалга ошириш, болалар учун моддий таъминот (алимент) талаб қилиш ва бу талабни бажариш каби ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, қонун ҳужжатларида назарда тутилган эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши ва ҳимояланиши давлат томонидан кафолатланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Фарғона вилояти

Ёзги соғломлаштириш

## «Кимёгар»да унутилмас онлар

Айни кунларда «Кимёгар» болалар оромгоҳида 285 нафар бола ёзми мароқли ўтказяпти. Масканда ҳар кун турли тадбир ва мусобақалар уюштирилиб, улар орқали дам олувчилар ўз истеъдодларини намойиш этишмоқда.

Оромгоҳдаги бадий адабиётларга бой кутубхона, сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари, шинам ошхона доимо болажонлар хизматида. Тошкент ва Фарғона шаҳридан театр жамоалари тақлиф этилиб, кичкин-тойлар турфа чиқишлар билан болажонларни шод этишяпти. Асосийси, ўғил-қизларимиз соғлиғидан куну тун бохабар бўлиш мақсадида соғлиқни сақлаш

марказига тажрибали педиатр ва ҳамширалар жалб этилган.

Бир сўз билан айтганда, болажонлар ёзми таътилини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган.

**Манзураҳон АКРАМОВА,**  
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Самарқанд вилояти

Жорий йилнинг ўтган беш ойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг Ижтимоий ва юридик бўлимида 162 та мурожаат рўйхатга олинган.

## Бу даргоҳдан ҳеч ким норози бўлиб кетмайди

— Фуқаролар қабулида 20 та, онлайн ва «Ишонч телефони» орқали 46 та, халқ қабулхоналари ва давлат идораларига йўланган 120 га яқин ариза ва шикоятларни ҳал этиш масаласи жамоат ташкилотимиз гарданига тушди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Зоҳид Янгибоев. — Таҳлилларимизда энг кўп мурожаат Пастдаргом тумани ва Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаролардан йўлангани аёнлашди.

Ҳаётнинг қувончу ташвишларига йўғрилган изҳорлар кўп. Нурободлик ҳамшира Клара Бойматова касаба уюшмаларига икки бора мурожаат қилди. Унинг оилавий шароити ўрганилиб, «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Моддий ёрдамдан сўнг уй-жойга муҳтожлиги боис субсидия асосида янги хонадон билан таъминланди. Ташвиш ҳам, қувонч ҳам эгизак, деганларидек, унинг бошига яна иш тушган. Турмуш ўртоғи учраган ҳодиса туфайли кредит тўлашга қийналиб қолади. У яна жамоат ташкилоти эшигини чертиб

Таҳлил

келди. Гарчанд кредитни қолашнинг касаба уюшмаларига дахли бўлма-са-да, қийналган аёлга ёрдам қўли чўзилди. Туман ҳокимлиги, саховатпеша тадбиркорлар жалб этилган ҳолда унга яна моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳартугул, бир инсоннинг ташвишини кўпчилик ўртага олиб аритди.

Таҳлилда мурожаатларнинг аксар қисми жамоат ташкилотига аъзо бўлмаган корхоналарда ишловчилар томонидан йўланаётгани маълум бўлди. 162 та ариза ва шикоятнинг 106 таси ана шундай фуқароларга мансубдир. Уларнинг кўпчилиги меҳнат низолари оқибатларини бартараф этишда кўмак сўрашган. Қайд этилган мурожаатларнинг 52 таси эса касаба уюшмалари фаолиятига мутлақо дахлдор эмас. Аммо остонага нажот истаб келганларнинг кўксидан итарилгани йўқ.

Касаба уюшмаларининг 1211 «Ишонч телефони», «Юридик клиника» куну тун эл хизматида. Мансаб ва мавқеда қатъи назар, ҳар бир фуқарога бу даргоҳ очик.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»



# РЕПЕТИТОРСИЗ ўқишга кириб бўлмайди(ми?)

Бугуннинг гапи

Шу кунларда олий ўқув юртига киришни мақсад қилган ёшларнинг вақти ниҳоятда тизилган. Улар учун мустақил ҳаётнинг илк ва муҳим пиллапоиси бўлган имтиҳонларга оз фурсат қолмоқда. Шу сабаб бошини китобдан кўтармай ўқиётганлари қанча-ю, репетиторга зир югураётганлари қанча... Менимча, бу ўринда репетитордан таълим олаётгани кўпроқ бўлса, ажаб эмас.

Шу ўринда саволлар туғилади: аслида репетитор нега керак? Мактаб, коллеж таълими талабга жавоб бермайдими? Ўқувчининг ўн бир йил мактабда олган билими олий таълимга кириш учун етарли бўлиши керак эмасми? Нима сабабдан битирувчилар репетиторга эҳтиёж сезишади?

Буни баъзилар ўрта таълимда ихтисослашув йўлиги, айримлар фанлар қисқартирилмагани, яна кимдир ўқитувчиларнинг ўқувчиларни машғулотларга қизиқтира олмаслиги сабабли улар мактабга шунчаки келиб-кетишлари билан изоҳлашади.

Хўш, ушбу босқичдан аллақачон ўтган ёшлар – бугун олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар қандай фикрда?

– Мен Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги умумтаълим мактабда ўқиганман, – дейди Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Гулзода Уринбоева. – Репетиторга бормаганман, мактабда олган билимим билан университетга ўқишга кирдим. Мактабимизда ўқитувчиларнинг йилиги, айримлар фанлар қисқартирилмагани, яна кимдир ўқитувчиларнинг ўқувчиларни машғулотларга қизиқтира олмаслиги сабабли улар мактабга шунчаки келиб-кетишлари билан изоҳлашади.

Қашқадарёлик Мадина Воҳидова оилавий шароити кўтармагани туфайли кўшимча дарсларга боролмаган. Аммо унинг ўқишга бўлган иштиёқи кучли эди. Шу боис мустақил ўз устида ишлади, тинимсиз ўқиб-ўрганди.

– Мактабдаги машғулотлар ва ўқитувчиларнинг сабоқлари ёмон эмас, аммо жуда тартибсиз ва чалкаш эди, – дейди у. – 11-синфга келиб, акам билан биргаликда инглиз тили фани бўйича мустақил шуғуллана бошладик. Вақтимиз оз, аммо бор эди. Ҳаммаси имтиҳонда маълум бўлди: шартнома асосида талабалikka қабул қилиндим. Аммо дилимда «Мустақил тайёргарликни эртароқ бошлаганимда ўқишга грант асосида кирардим» деган армон қолиб кетди.

Хоразмлик Худойназар Нурметов ҳам репетитор кўмагисиз, ўз билими билан талаба бўлганлардан. Айни пайтда у Тошкентда олий ўқув юртида таҳсил олмақда. Унга оғир меҳнат мотивация берган. «Олий ўқув юртида ўқимасам, қора ишчи бўлиб қоламан», деган фикр хаёлидан кетмаган. Охириги йилларда мактаб дарсларини умуман қолдирмасликка ҳаракат қилган. Мустақил равишда билимини оширган. Маълум фанларни ўзлаштирган ва мақсадига етган.

Дарвоқе, мақолани тайёрлаш жараёнида яна бир фикрни эшитдик. Айтишларича, репетиторга эҳтиёжнинг яна бир сабаби бор экан. Яъни кириш имтиҳонларидаги тест саволларнинг баъзилари мактаб ўқув дастурига мос келмас экан. Агар шундай бўлса, оддий ўрта таълим олган ўқувчи дарс давомида ўтилмаган мавзуларни еча олмаслиги табиий. Шу сабабли улар махсус мураббийга – репетиторга мурожаат қилишни маъқул кўришади.


Тўғри, бу муаммо ҳал этилиб, мактаб ўқитувчилари экспертлар гуруҳига жалб этилмоқда, тестларнинг дарсликлар асосида тузилишига эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда бу муаммо тўла ҳал этилишига умидимиз бор.

Демак, тажриба шуни кўрсатяптики, ҳаракат астойдил бўлса, мактабда олинган билим ва мустақил тайёргарлик билан ҳам олий ўқув юртига кириш мумкин.

Фикримизни Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 6-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори Дилором Эшмаматова ҳам маъқуллади. Унинг таъкидлашича, агар ўқувчи белгиланган тартиб-қоида асосида ўқитилса, унга репетитор керак бўлмайди. Умуман олганда, мактабда олинган билимни репетитор бир-икки йил ичида бера олмайди. Улар маълум бир формула асосида тестларни ёдлатади, холос. Натижада ўқувчи тест синовларини осон ечади, аммо бу ўқувчининг кейинги қадамларига салбий таъсир қилиши мумкин. Негаки, босим остида ёдлаган билим юзаки бўлади ва жуда тез унутилади. Оқибатда ўқувчи мустақил ҳаётга, таъбир жоиз бўлса, бир қоп пуч ёнғоқ орқалаган киши каби кириб боради.

Шу боис мактабда ўқувчиларнинг қизиқишларига эътибор қаратиш керак. Жумладан, 9-11-синфлар билан алоҳида тестлар асосида ишлаш зарур. Уларнинг қизиқишлари асосида йўналиш аниқланиб, шу асосда керакли фанлар ўқитилишини кучайтириш лозим.

Тажрибали педагог тўғри айтди. Ўқувчилар фақат университетга кириш, диплом олиш учунгина «ўқиши» керак эмас. Балки билимларини мустаҳкамлаш, янги илм уфқларини ҳамда касб сирларини ўрганиш учун ўқиши лозим. Шундагина улар олий ўқув юртини етук мутахассис, билимли кадр, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб бириришади.



Гулрухбегим ОДАШБОВА «ISHONCH»



ISSN 2020-5809 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetolari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliyat va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-90-02  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Muallif fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir A. Haydarov

Musahhihlar D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 17:40 Topshirildi – 18:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Poteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-613 Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31262 14452 nusxa «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

## Мулоҳаза Алла айтинг, оналар!

Болажонимнинг боласи, Қантак ўрикнинг донаси, Ухлаб қолин, алла-ё, алла, Жоним болам, алла-ё, алла...

Алла – болани ухлатиш жараёнида яққоҳон усулда айтиладиган кўшиқ. У асосан бешик ёки беланчакни тебратиш маромига мос равишда ва эркин ижро этилади. Матни асосан тўртликлардан иборат бўлиб, онанинг болага меҳр-муҳаббатини, орзу-умидларини, яхши ният ва тилаklarини ҳамда руҳий кечинмаларини ҳам ўзида ифодалайди. Шу боис алла намуналарининг баъзилари йиғи оҳангларига монанд бўлади.

Энг муҳими, алла асрлар оша ўз ўринини ва аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, сизу биз ҳам бешикда алла эшитиб, катта бўлганмиз. Ҳатто фарзандларимиз ҳам шундай имкониятдан баҳраманд бўлишган. Улар алланинг мазмун-моҳиятини тушунамаслар-да, майин оҳангидан ором олиб, бир зумда ухлаб қолишарди.

Абу Али ибн Сино машҳур «Тиб қонунлари» китобида кичкинтойлар тарбиясида алланинг аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзади: «Боланинг мижозини кучайтироқ учун унга нисбатан икки нарсани қўлламоқ керак. Бири – болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллаш».

Раъно МАҲКАМОВА «ISHONCH»



«Титаник» кемаси ҳалокатга учраганида унинг бортида миллионер Жон Жейкоб Астор IV ҳам бор эди. Ўша вақтда унинг банк қисоברהқамидаги маблағ «Титаник»ка ўхшаган 30 та кема ўришга етарди. Ўлим хавфи билан юзма-юз келган Астор IV шундай қарор қабул қилади: қайикдаги ўрнини қўриқиб кетган икки нафар болакайга бўшатиб беради.

Иқроп

## ИНСОН УМРИНИНГ СЎНГИ НАҲЗАЛАРИДА ҲИМАДАН АФСУСЛАНАДИ?

Ўша ҳалокат пайтида кемада Америкадан «Masys» йнрик дўконлар тармонининг элеси Исидор Штраус ҳам бўлган. У «Мен ҳеч қачон бошиқа эркеклардан олдин қутқариб қайиница чиқмайман», дейди. Унинг хотини ҳам қайикқа ўтиришдан беш тортлади ва ўз жойини хизматкори Эллен Берда беради. Аёли ҳаётининг сўнги дақиқаларини эри билан бирга ўтказишни лозим кўради.

Кўрэнсизли, бу бадавлат одамлар ўзларининг маънавий принципларидан чекинишдан кўра, бойликлари ва ҳаётто ҳаётларидан мосубо бўлишни афзал кўришади. Уларнинг маънавий қадриятлар фойдасига танлаган йўли инсоният цивилизацияси ва одам табиятининг нақадар ерқинлигини наложим этиди.

Архидандрит (монахларнинг епископга бўлган олий монахлик унвони). Тихон Шибкунов кунларининг бирини шундай деган эди:

«Мен одамларнинг ўлимидан олдинги табассини кўп марта тиниланимга тўғри келган. Улар ўз тазарруларида ортиқча миллион шиллаб топилганларидан, ҳашаматли ий кўра олманларидан, шунда муваффақият қозона олманларидан ҳеч қачон қайнурмайдилар, афсус-наволат чекмайдилар. Аммо одамлар умрларининг сўнги нафасида динини навабатда эзу ишлар қила олманларидан, экинларига яхшилик қилиб, ердаги дера олманларидан, қўллаб-қувватланманларидан ва ҳаётто тасодифий таинилари қорига эрлаганларидан астойдил хафа бўладилар, афсус чекадилар».

Одамлар маънавийдан мосубо бўлмасликлари, ахлоққа таинилликлари ва фазилатлар элси бўлишлари қанчалик муҳим! Шундай одамлар оралишда дорини? Албатта, дор!.. Шундай экан уларни излаб топини.

Олийжаноб характерга эна бўлиши ҳаётдан, айниқса, бойликдан кўра қимматли ва қадридор.

Рус тилидан Жалолдин САФОЕВ таржимаси



1941 йилда Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Бутун эл-улус қийналди. Кўпчилик, жумладан, отам уста Янгибой ҳам урушга кетди. Уйда мен, онам, опам ва икки синглим қолдик. Уруш давридаги қийинчиликлар ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ҳамма жойда йўқчилик. Ейишга ҳеч нарса тополмай, очликдан ўлиб қолганлар ҳам бўлди.

Баҳорда исмамоқ, ялтирбош, так-так каби ўтларни пишириб, ёзда меваларни еб кун кўрдик, кузда эса машоқ терардик...

Уруш тугади, аммо отам қайтмади. Шу боис 11-12 ёшимдаёқ бошимга рўзгор ташвиши тушди. Биттагина сигиримиз бор. Унинг сут-қатиғидан оғзимизга оқ тегиб турарди. Мен эса эрта тонгда туриб, эшак билан Чиялдаги Пайшанба бозорига борардим. У ерда одамларнинг соч-соқолини олиб, беш-олти сўм пул топиб, уйга зарур нарсаларни олиб келардим.

1953 йилда 7-синфни битирдим. Ўша вақтларда шароити тўғри келмаганлар ўқимай ҳам қўяверарди. Мен ҳам ўқишни давом эттирмадим. Чунки оиланинг ёлғиз эркаги сифатида ишлашим зарур эди.

Қишлоқдаги боболар бир йиғинда менга сартарошлик билан шуғулланишни тавсия қилишди. Шу-шу эл хизматига шўнғиб кетдим. Сартарошликдан ташқари, дурадгорлик қилдим, том ёпдим, эшик, дераза, бешик ясадим. Кўп кузатиб билдимки, асаларчилик жуда ҳалот, тоза ва баракали касб экан. Бир қулт асалари олдим. Кейин кўпайтирдим. Шунинг ортидан рўзгоримизга барака кирди.

Дилбандларим, кўпни кўрган ва кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган ва 87 ёшга кирган нуруний сифатида сизларга насиҳатларим шуки: аввало, худони ёддан чиқарманг, ҳаммасига шукр қилинг; ота-онангизни рози қилинг, дуосини олинг; оч қолсангиз ҳам миннатли ошини еманг; қўлдан келгунча яхшилик қилиб яшанг; фақат рост сўзланг, ёлғон сўзни, ҳатто, ўйлананг; сабрли бўлинг, шукр қилинг; нонини ҳалол меҳнат билан топиб енг; бажароётган ишингиздан, яшаётган умрингиздан кўнглингиз тўлсин.

Марқа бобо ЯНГИБОВ

Чироқчи тумани

Эълонлар

Янгийўл туманидаги «AZAMION XALIMA» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл туманидаги «BO'ZSUV UMID GULSHANI» ХУЖМШИНинг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.